



2016 у.г. «2» апрел

№ 470-К

Самарқанд марказий ўрмон хўжалиги ҳудудидан фуқаро Усмонов Ферузга  
Хитой технологияси асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган  
иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш)  
масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг сонли баённомаси,  
Самарқанд марказий ўрмон хўжалигининг 2010 йил 01 июлдаги 1-сонли баёни,  
Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кумитасининг 2015 йил 29 июндаги  
1013-сонли ҳулосаси, фуқаро Усмонов Фирузнинг туман ҳокимлигига берган  
аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг  
23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш)  
масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг сонли баённомаси, ҳамда  
Самарқанд марказий ўрмон хўжалигининг 2010 йил 01 июлдаги 1-сонли баёни  
тасдиқлансин.
2. Фуқаро Усмонов Фирузга Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар  
йиғини Самарқанд марказий ўрмон ер харитасининг 6 контуридан Хитой  
технологияси асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш  
учун жами 0,50 га (шундан: 0,50 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган) ер  
майдони ажратилсин.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини  
ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман  
Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри  
бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи  
инвентаризатори К. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров